

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60310700 – Сиёсатишунослик  
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ЎЗР ОЎМТВ  
Буйруқ № 365  
• 25 • 08 2021 йил

### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.

### **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 865 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<b>60310700 – Сиёсатиунослик бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....</b>	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1.	60310700–Сиёсатиунослик таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<b>60310700 – Сиёсатиунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....</b>	4
1.2.1.	60310700 – Сиёсатиунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	60310700 – Сиёсатиунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари.....	4
1.2.3.	60310700 – Сиёсатиунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	60310700 – Сиёсатиунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий вазифалари.....	5
2.	<b>60310700 – Сиёсатиунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....</b>	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	9
	Келишув варағи.....	10

## **1. 60310700 – Сиёсатишунослик бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**60310700 – Сиёсатишунослик** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 60310700 – Сиёсатишунослик** таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **60310700 – Сиёсатишунослик** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалавриат битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлар;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 60310700 – Сиёсатишунослик** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

**1.2.1. 60310700 – Сиёсатишунослик** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

**60310700 – Сиёсатишунослик** – социология ва психология соҳасидаги йўналиш бўлиб, у ишлаб чиқариш ва давлат хизмат кўрсатиш, сиёсий бошқарув, сиёсий менежмент соҳаларига доир йўналиш бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотларни бошқариш органлари, сиёсий таҳлил эксперт гуруҳлари, сиёсий фанлар бўйича илмий-тадқиқот институтлари, ёшларнинг давлат ва нодавлат ташкилотлари, таълим муассасаларида ижтимоий-сиёсий фанлар ўқитувчилари кабилардан иборат комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. 60310700 – Сиёсатишунослик** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– Сиёсий фанлар ва сиёсат тадқиқотчиси, сиёсий менежмент соҳаси, сиёсий технолог, сайловлар компаниялари менежери, сиёсий партиялар етакчилари, сиёсий коммуникация соҳаси менежери, давлат хизматчиси, сиёсий таҳлилчи ва эксперт, халқаро

ташкilotлар хизматчиси, маҳаллий ҳокимият органлари, сиёсий консультант, давлат муассасалари, вазирликлар, давлат кўмиталари, агентликлар, фуқаролик жамияти институтлари, корхона ва муассасалар сиёсатини амалга оширувчи хизматчилар, ёшлар ташкilotлари етакчилари.

**1.2.3. 60310700 – Сиёсатшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- *илмий-тадқиқот,*
- *маънавий-маърифий,*
- *ташкилий-бошқарув, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш,*
- *ахборот-таҳлилий,*
- *эксперт-таҳлилий;*
- *сиёсий лойиҳаларни бошқариш,*
- *сайлов жараёнларини ўтказиш ва ташкил этишида иштирок этиш.*

**1.2.4. 60310700 – Сиёсатшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

60310700 – Сиёсатшунослик таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- миллий ва хорижийда бўлаётган сиёсий вазиятларни тадқиқ қилиш, турли давлатлар сиёсий фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни жаҳон сиёсий майдонида сифат ва стандарт мезонларига қиёслаган ҳолда миллий давлатчилик ва сиёсий фаолияти учун самарали бўлган жиҳатларни кўрсатиб бера олиш;

- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш;

- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, сиёсатшунослик адабиётлар экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

- ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, методлар, таҳлилий объект ва предметни ўрганиш, мавзу муаммосини тадқиқ қилиш ва илмий ечимларини ишлаб чиқиш;

- илмий назарий қарашлари ва ОАВ амалий фаолияти бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;

- илмий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;

- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий ҳисоботлар, лойиҳалаштириш ишларини тайёрлаш, мустақил ишлар ва библиографиялар тузиш;

- илмий-амалий анжуманларда иштирок этиш ва илмий журналларга мақолалар тайёрлаш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;

- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш.

**Маънавий-маърифий фаолиятда:**

- жамоалардаги маънавий-маърифий ишлар режасини туза олиши, бу ишларни ташкил этиш механизм ва усулларини эгаллаши, аҳоли ва ёшлар онгига миллий ғояни сингдиришда фаол иштирок этиши;

- меҳнат жамоалари, ўқув юртларида, аҳоли, ёшлар мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни мустаҳкамлаш усул ва технологияларини ўлаштирган бўлиши;

- ахборот оқимлари ва маданий глобаллашув шароитида миллий тил ва адабиётнинг ўрни ва таъсирини сақлаб қолишга ҳисса қўшиши, бу ҳақдаги тарғибот ишларида фаол иштирок этиши;

- маҳалла фуқаролар йиғинларида, ОТМ талабалари ўртасида, лицей, коллеж мактаб ўқувчиларига маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига оид тарбиявий тадбирларда иштирок этиш;

- аҳоли ва ёшлар ўртасида миллий мерос, урф-одат ва маросимларни ўтказишда, миллий ва умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, Ватанга садоқат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантириш жараёнларида фаол иштирок этиш.

#### **Ташкилий-бошқарув, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- сиёсат соҳасидаги тадқиқот ва амалиёт фаолиятини режалаштириш;

- инсонлар, давлат, жамият ва шахс ўзаро алоқаларининг барча шакллари ва турларини фаолиятларни мувофиқлаштиришда сиёсатдан самарали фойдаланиш ва уни оптималлаштириш;

- давлат ва ижтимоий тузилмаларнинг сиёсий ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

- жамият аъзоларининг сиёсий маданияти ва сиёсий онгини шакллантириш;

- сиёсат мақсадлари, прогнозлари ва вазиятларини тадқиқ этиш ва уларга ташҳис қўйиш;

- ходимлар билан ҳамкорликда маслаҳатлар бериш, услубий ва таълим даражасини ошириш ишлари;

- бошқарув ва раҳбарлик соҳаларида инновацион фаолият олиб бориш;

- ташкилот фаолиятини йўлга қўйиш, унинг ҳуқуқий асослари, ташкилий тузилмалари ҳамда қонун асосида амалга ошириладиган фаолиятини йўлга қўйиш;

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ходимлар ижодий жамоаси, фаолият воситалари ва ресурсларини режалаштириш; а

- ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри ва соғлом қарор қабул қилиш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш.

#### **Ахборот-таҳлилий фаолиятида:**

- ахборотларни излаш, уларни танқидий таҳлил этиш, ахборотларни синтезлашни амалга ошириш, қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун тизимли ёндашувни қўллаш қобилиятини эгаллаш;

- қўйилган мақсадлар доирасида вазифалар доирасини белгилай олиш, ҳаракатдаги ҳуқуқий меъёрлардан келиб чиқиб, мавжуд ресурслар ва чеклашларга амал қилиб, уларни ҳал этишнинг оптимал йўллари танлай олиш;

- жамоада ўз ролини ва ижтимоий ўзаро алоқаларни амалга ошириш қобилиятини эгаллаш;

- иш фаолияти коммуникацияларини давлат тилида оғзаки ва ёзма шаклларда, шунингдек, хорижий тилда амалга ошириш қобилиятини эгаллаш;

- жамиятдаги маданий турфа хилликни ижтимоий-тарихий, этикавий ва фалсафий илдизларини эътироф этган ҳолда қабул қила олиш;

- ўзини ўзи ривожлантириш истикболларини режалаштириш, уларни ўз вақтида изчиллик билан бутун умр давомида таълим олиш принциплари асосида амалга ошириб бориш лаёқатини эгаллаш.

**Эксперт-таҳлилий фаолиятида:**

- таҳлилий ва илмий тадқиқот ишларини тизимли ёндашув асосида олиб бориш ва компьютерли моделлаштириш, экспериментал услублардан фойдаланиш.

**Сиёсий лойиҳаларни бошқариш фаолиятида:**

- турли сиёсий тадбир ва ташаббусларни режалаш ва ижро қилишда лойиҳавий ёндашув.

**Сайлов жараёнларини ўтказиш ва ташкил этишда иштирок этиш фаолиятида:**

- мамлакатимизда ўтказиладиган турли сайлов жараёнларини ташкиллаштириш, ўтказиш, ташкил этиш ва тарғибот тадбирларида иштирок этиш.

**2. 60310700 – Сиёсатшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- сиёсий ва ижтимоий дунёқарашга доир тизимли билимларга эга бўлиши;
- сиёсий ва ижтимоий-гуманитар фанлар асосларини, жаҳон ва Ўзбекистон давлати сиёсатининг долзарб йўналишларига оид билиларни эгаллаш, сиёсий-ижтимоий жараёнлар ва муаммоларни мустақил равишда таҳлил қила олиши;
- жаҳон тарихи ва сиёсатини билиши, жаҳонда кечаётган сиёсий ва геосиёсий ҳодисаларни мустақил равишда баҳолаш, ўз фикрини билдира олиш, ўз позициясига эга бўлиш кўникмаларини эгаллаш;
- Ўзбекистон тарихини билиши, миллий ва умуминсоний кадриятларга оид ўз фикрини эркин баён қила олиши ва уларни илмий асослай билиши, ўз дунёқарашига миллий ғоя принципларини сингдира олиши асосида ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- давлат ва жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараён ва ҳодисалар ҳақида мукамал тасавурларга эга бўлиши, давлат ва жамият ривожланишига оид қонуниятларга оид билимларни эгаллаш ҳамда улардан ўз касбий фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг жамият аъзолари, жамият институтлари, давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларини ривожлантиришга оид билимларни эгаллаш, бу муносабатларнинг ҳуқуқий ва маънавий мезонларига оид билимларни эгаллаш ва уларга ҳаётда амал қилиш кўникмаларини шакллантириш;
- сиёсий-тижтимоий билимларга оид маълумотлар ва ахборотларни йиғиш, сақлаш, таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаш, ўз касбий фаолиятида мустақил равишда қарорлар қабул қила олиш малакасини эгаллаш;
- сиёсатшунослик бакалаврият йўналиши бўйича ракобатбардошлик қила оладиган умумкасбий билимларни эгаллаш;
- таълим жараёнида инновациявий билимларни эгаллаб бориш, улардан ўз билимини бойитиш ва мустақил фикрлаш малакасини оширишда унумли фойдалана олиш кўникмаларини эгаллаш;
- ўз кабий фаолиятида меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга таъсир қила оладиган кўникмаларни эгаллаш, ўз атрофидаги инсонлар билан мулоқот ва муносабатлар маданиятини эгаллаш кўникмаларини эгаллаш.

**2.2. Касбий компетенциялар:**

- сиёсатшунослик таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахс сифатида кейинчалик ўзи эгаллаган лавозимида эркин равишда фаолият юрита олиш малакаларини эгаллаган бўлишига;

- сиёсатшунослик бакалавриат йўналиши бўйича бакалавриат босқичини тугатганидан кейин магистратура босқичида олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида қўшимча касбларни эгаллашга оид таълимда ўқишни давом эттириш учун тайёрланади;
- сиёсий муҳит ва “сиёсий инсон” хусусиятларини, уларнинг жамият ва унинг алоҳида компонентларига таъсирини аниқлай олиши лозим;
- сиёсатнинг дунёқараш сифатидаги даражасини, сиёсий фалсафа асосларини, сиёсат ва мафкура, сиёсат ва маданият ўзаро алоқалари англай оладиган назарий-амалий билимларга эга бўлиши лозим;
- сиёсий фанларнинг тушунчавий-категориал аппарати ва методологиясини билиш, сиёсий таҳлил ва прогнозлаш инструментарийларидан фойдалана билиш;
- сиёсий билимларнинг назарий ва амалий, аксиологик ва инструментал компонентларини, уларга оид эксперт, башорат қилиш каби функцияларини билиш, уларни ажратиб кўрсата олиш қобилиятини эгаллаш, сиёсий қарорларни тайёрлаш ва асослашни тасаввур қилиш;
- эмпирик сиёсий тадқиқотлар усуллари ва техникасини эгаллаш, бу билимларни назарий ва амалий вазифаларни бажаришда қўллай оллиш малакасини эгаллаш;
- ҳолзирги даврдаги сиёсий тизимлар ва режимларнинг асосий турларини билиш;
- сиёсатни инсоний баҳолаш ва ўлчашга, шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви хусусиятларига, сиёсий этикага, сиёсатни инсонийлаштириш мезонлари ва усулларига тегишли муаммолар доирасини яхши билиши;
- жамоада ишлаш, конфликтли вазиятларда бошқарув қарорлари қабул қилиш қобилиятига эга бўлиш;
- жаҳон сиёсий жараёни ва Ўзбекистон сиёсий тарихининг асосий босқичлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиш; жаҳонда ва мамлакатдаги сиёсий вазиятни таҳлил қилишда сиёсий тарихга оид билимлардан фойдалана билиш;
- жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларига оид асосий назарий концепциялар тўғрисида тасаввурларга эга бўлиш;
- халқаро сиёсий жараёнлар, Ўзбекистонни жаҳондаги геосиёсий вазиятига оид таҳлилларни амалга ошира олиш;
- “сиёсий дунё ҳақида”, унинг фуқаролик жамияти, иқтисодиёт, ижтимоий-маданий тизим билан ўзаро нисбатларига оид билимларни ўзлаштириш.

**Таянч сўзлар:**

Абсоютизм, авторкия, автономия, авторитаризм, авторитар шахс, авторитет, анархизм, анъанавий авторитет, ассоциация, агрегация, актор, анархизм, апатия, атрибут, артикуляция, аристократия, биполяр, блокада, бошқарув, бюрократия, вето, волонтаристик, волонтаризм, вотум, геноцид, гильдия, гипотетик, глобаллашув, давлат, демократия, деспотизм, диктатура, дискриминация, индустриал жамият, иерархия, инклюзивлик, инновация, инстанция, ижтимоий тараққиёт, инқилоб, иррационал, капитализм, кибернетика, коммуникация, конфликт, коммуникатор, компетент, консенсус, конфликт, конформизм, коррелятив, коммунизм, коррупция, консенсус, консерватизм, конфедерация, конформизм, конформизм, бюрократиянинг легал-рационал қоидалари, легаллик, легитимлик, либерализм, либертаризм, локал, лояллик, лидерлик, лобби, мафкура, макиавеллизм, меритократия, модернизация, монархия, мажоритар, маргинал, мессия, минимум, миноритар, модель, модификация, мухторият, миллийлик, миллатчилик, миллат, охлоқратия, олигархия, парламент, партикуляр, партиципация, патернализм, перманент, перманетизм, плебисцит, полиархия, полиция, популизм, популярлар, прагматизм, пассионарлик, постиндустриал жамият, радикализм, рационал, рекрут, реставрация, реципиент, республика, толерантлик, тоталитар, транзит, трансакция, трансформация, триггер, секуляр, синдром, сиёсат, сиёсий маданият, социум, страга, субординация, суверенитет, социал-демократизм, синф, социализм, элиталар назарияси, сиёсий маданият турлари, сиёсий режим, сиёсий онг, сиёсий хулқ, сиёсий партия, тенглик, ҳокимиятнинг анъанавий легитимлиги, универсал, урбанизациялашув, утилитар, унитар давлат, халқ, халқчиллик, фашизм, федератив давлат, фанатизм, федерализм, федерация, феминизм, фуқаролик жамияти, харизматик, ҳокимиятнинг харизматик легитлашуви, цивилизация, цикл, циркуляция, эволюция, экспансия, эгалитаризм, эклектив, экспансия, экстрактив, экуменизм, электорал, электорат, эмбарго, этнос, этноцентризм, эркинлик, яшиллар, ҳокимият, ҳокимиятлар бўлиниши, ҳуқуқ, ҳуқуқий давлат.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари  
хамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИКИЛГАН:

Ўзбекистон Миллий университети



Ректор И.У.Маджидов

2021 йил « 20 » 08

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б. М. Эсонов

2021 йил « 20 » 08

М.Ў.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар  
харакати - Ўзбекистон  
Либерал-демократик партияси  
Марказий Кенгаши



Раис А.Хайтов

2021 йил « 20 » 08

М.У.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар  
университети



Ректор Ш.Кудратхўжа

2021 йил « 22 » 08

М.Ў.

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
60310700-Сиёсатшунослик бакалавриат таълим йўналишининг малака  
талабларининг ишлаб чиқарувчилар ва асосий кадрлар  
истеъмолчилари ўртасида**

**КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тошкент ш.

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2021 йил

Биз қуйида имзо қўювчилар Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Марказий Кенгаш раиси А.Хаитов, Ўзбекистон Миллий университети ректори И.Маджидов ва Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори Ш.Қудратхўжалар Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази, халқ таълими вазирлиги ходимлари ҳамда Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари биргаликда “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг классификатори”га мувофиқ **60310700-Сиёсатшунослик бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари** ва ўқув режаларини ишлаб чиқилганлиги, муҳокама қилинганлиги ҳамда ушбу ишлаб чиқилган малака талаби ва ўқув режанинг мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

**60310700-Сиёсатшунослик бакалавриат таълим йўналиши** бўйича малака талабларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Марказий Кенгаш томонидан қўйилган талаблар инobatга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида”ги 66-сонли буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 1 мартдаги “Халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқиладиган таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг ўқув режалари экспертизасини ташкил этиш тўғрисида”ги 89-сонли буйруғи, 2021 йил 16 июлдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 311-сонли буйруғи ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга асосланган. Шу билан бирга,

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон Қарорлари;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сонли Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сонли Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021-2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сонли Қароридан белгиланган устувор вазифалар ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

Малака талаблари бакалаврият йўналиши учун ўқув режалари ва фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган Малака талабларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

**Ўзбекистон Миллий университети  
ректори**



**И.Маджидов**

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар  
ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик  
партияси Марказий Кенгаши раиси**



**А.Хаитов**

**Ўзбекистон журналистика ва  
оммавий коммуникациялар  
университети ректори**



**Ш.Қудратхўжа**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида  
ишлаб чиқилган 60310700-Сиёсатшунослик бакалавриат таълим  
йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасига**

**ТАҚРИЗ**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган **60310700-Сиёсатшунослик бакалавриат таълим йўналиши бўйича** малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон Қарори, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони, 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сонли Қарори, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон Фармони, 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сонли Фармони, 2021 йил 22 июндаги “2021-2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сонли Қарори, 2021 йил 22 июндаги “2021-2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сонли Қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 16 июлдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим

стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 311-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

**60310700-Сиёсатшунослик бакалавриат таълим йўналиши** бўйича малака талаблари ва ўқув режаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари талабларига мос ҳолда ишлаб чиқилган. Ўқув режадаги фанлар таркиби ва уларни семестрларга жойлаштиришда услубий кетма-кетликка қатъий риоя этилган, илғор хорижий мамлакатлар ҳамда кадрлар истеъмолчилари бўлган ташкилот билан келишилган замонавий талаблар асосида ёзиб тайёрланган.

Хулоса қилиб айтганда, **60310700-Сиёсатшунослик бакалавриат таълим йўналиши** бўйича малака талаблари ва ўқув режаси малакали кадрлар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ва сифатли тузилган. Малака талабани тасдиқлаш ва уни зарурий меъёрий ҳужжат сифатида ўқув жараёнига тадбиқ этишни тавсия этаман.

ЎЗМУ Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ  
таълими кафедраси профессори, с.ф.д

 И.Эргашев

1056

Эргашев И. имзасини tasdiqlayman: O'z MU KB katta inspektori « 30 » 07 2021 yil.
---



**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида  
ишлаб чиқилган 60310700-Сиёсатшунослик бакалавриат таълим  
йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасига**

**ТАҚРИЗ**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган **60310700-Сиёсатшунослик бакалавриат таълим йўналиши бўйича** малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон Қарори, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони, 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сонли Қарори, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон Фармони, 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сонли Фармони, 2021 йил 22 июндаги “2021-2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сонли Қарори, 2021 йил 22 июндаги “2021-2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сонли Қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 16 июлдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 311-сонли буйруғида белгиланган

вазифалар ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меъерий-хуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

**60310700-Сиёсатшунослик бакалавриат таълим йўналиши** бўйича малака талаблари ва ўқув режаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари талабларига мос ҳолда ишлаб чиқилган.


Ўқув режадаги фанлар таркиби ва уларни семестрларга жойлаштиришда услубий кетма-кетликка қатъий риоя этилган, илғор хорижий мамлакатлар ҳамда кадрлар истеъмолчилари бўлган ташкилот билан келишилган замонавий талаблар асосида ёзиб тайёрланган.

Хулоса қилиб айтганда, **60310700-Сиёсатшунослик бакалавриат таълим йўналиши** бўйича малака талаблари ва ўқув режаси малакали кадрлар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ва сифатли тузилган бўлиб, уни зарурий меъерий ҳужжат сифатида ўқув жараёнига тадбиқ этишни тавсия этаман.

**ТДШУ Шарқ мамлакатлари сиёсати  
ва халқаро муносабатлар кафедраси  
профессори, с.ф.д**



**У.Идиров**



**Илова**

**60310700 – Сиёсатшунослик бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим  
дастурининг тузилиши**

Т.р.		Фанлар блоклари ва блокларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
<b>1.00</b>		<b>Мажбурий фанлар</b>	<b>5220</b>
1.01	O'EYTB104	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи	120
1.02	MATB205	Математика	150
1.03	FALB204	Фалсафа	120
1.04	O'RTB104	Ўзбек (рус) тили	120
1.05	XTIB106	Хорижий тил	180
1.06	O'TSQB203	Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши	90
1.07	JTSB102	Жисмоний тарбия ва спорт	60
1.08	SJPMITB308	Сиёсий жараёнларни прагнозлаш ва моделлаштиришда информацион технологиялар	240
1.09	MKIB105	Мутахассисликка кириш	150
1.10	STTB107	Сиёсий таълимотлар тарихи	210
1.11	STIB112	Сиёсий тизим	360
1.12	SMAB105	Сиёсий маданият	150
1.13	ASIB105	Амалий сиёсатшунослик	150
1.14	DHNB204	Давлат ва ҳуқуқ назарияси	120
1.15	GEOB205	Геосиёсат	150
1.16	JSIB211	Жаҳон сиёсати	330
1.17	DBAB209	Давлат бошқаруви асослари	270
1.18	SKAB407	Сиёсий конфликтология	210
1.19	SO'MB405	Сиёсатшуносликни ўқитиш методикаси	150
1.20	QSIB405	Қиёсий сиёсатшунослик	150
1.21	SJTTB110	Сиёсий жараёнларнинг тизимли таҳлили	300
1.22	GBTB216	Глобаллашув ва барқарор тараққиёт	480
1.23	SEEB215	Сиёсий элита ва етакчилик	450
1.24	SNMB317	Сиёсат назарияси ва методологияси	510
<b>2.00</b>		<b>Танлов фанлар</b>	<b>960</b>
		<b>Жами</b>	<b>6180</b>
		<b>Малакавий амалиёт</b>	<b>570</b>
		<b>Яқуний давлат аттестацияси</b>	<b>450</b>
		<b>Жами</b>	<b>1020</b>
		<b>Ҳаммаси</b>	<b>7200</b>

Ўқув ишлари бўйича проректор



Ш.Тошматов